

“ТАСДИҚЛАНГАН”

“РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН”

“Ўзбекистон саноат - қурилиш банки”
акциядорлик тижорат банки
Кенгаши Раиси ўринбосари

Қимматли қотозлар бозорини
мувофиқлаштириш ва ривожлантириш
маркази Бош директори

Ш. Вафаев

Б. Атаканов

20 18 йил “17” декабрь
91/2018 - сон

20 18 йил “25” декабрь
РБ004-24 - сон

М.Ў.

М.Ў.

АКЦИЯЛАРНИНГ ҚЎШИМЧА ЧИҚАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОР

“Ўзбекистон саноат-қурилиш банки” акциядорлик тижорат банки

Идентификация рақами берилди:

R U 1 2 7 P 0 0 0 7 R 6

Эгасининг номи ёзилган, ҳужжатсиз (нақдсиз) шаклдаги, номинал киймати 19 (ўн тўққиз) сўм бўлган 23 684 210 527 (йигирма уч миллиард олти юз саксон тўрт миллион икки юз ўн минг беш юз йигирма етти) дона оддий акциялар ёпиқ обуна орқали жойлаштирилади.

Акцияларнинг ушбу чиқарилиши XXVII (йигирма еттинчи) чиқарилишдир.

Тасдиқланган Банк Кенгашининг “17” декабрь 20 18 йил 91/2018 - сон Баённома,
Банк Кенгашининг “17” декабрь 20 18 йил 91/2018 - сон Баённомаси асосида.

Эмитентнинг жойлашган жойи: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар,
Юнусобод тумани, Шахрисабз кўчаси, 3-уй.

Почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, 100000, Юнусобод тумани,
Шахрисабз кўчаси, 3-уй.

Мулоқот телефонлари: 71 120 45 07, 71 120 36 30.

Электрон почта манзили: investmentb@uzpsb.uz

БОШҚАРУВ РАИСИ

БОШ БУХГАЛТЕР

А. ВОИТОВ

О. ВОХИДОВ

Сана: 20 18 й. “17” декабрь

1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури (оддий ёки имтиёзли): Оддий.

2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли: Хужжатсиз.

3. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати (сўм): 19 сўм.

4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона): 23 684 210 527 дона.

5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): 450 000 000 013,0 сўм.

6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг ҳуқуқлари:

Банк акциядорлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Банк акциядорларининг реестрига киритилиш;

депозитарийдаги депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли қўчирма олиш;

Банк фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;

Банк тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;

Акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали Банкни бошқаришда иштирок этиш;

Банкнинг молия-ҳўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш, бундан банк сирини ташкил қилувчи маълумотлар мустасно;

олган дивидендини эркин тасарруф этиш;

қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;

ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;

қимматли қоғозларни олишда зарар қўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш.

Акциядорлар конун ҳужжатларида ва Банк Уставида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан жамият уставидаги ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 13.11.2018 йилдаги ПҚ-4015-сонли “Паррандачиликни янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан ушбу чиқарилишдаги 23 684 210 527 дона акциялар Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига ёпиқ обуна орқали жойлаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси конунчилиги ва Банк уставига мувофиқ:

- Юридик ёки жисмоний шахс ёхуд ўзаро келишув билан боғланган ёки бир-бирининг мол-мулкни назорат қилувчи юридик ва жисмоний шахслар гуруҳи томонидан бир ёки бир нечта битим натижасида Банк акцияларининг беш фоизидан ортиғини сотиб олишда Марказий банкка хабар берилиши, йигирма фоизидан ортиғини сотиб олиши учун Марказий банкнинг олдиндан розилиги олиниши лозим;

- Ўзбекистон Республикаси норезидентлари ва эллик фоиздан ортиқ акциялари (иштирокчилар бадаллари) Ўзбекистон Республикаси норезидент-ларининг эгалигида, фойдаланувида ва (ёки) тасарруфида бўлган Ўзбекистон Республикаси резидентлари - юридик шахслари томонидан Банк акцияларини сотиб олиш бўйича битимлар фақат Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг олдиндан рухсати олингандан сўнг амалга оширилади;

- Банк норезидентлар бадаллари ҳисобига ўз устав капиталини қўлайтириш, шунингдек, Банк акцияларини сотиш ёки тўланмаган акциялар ва Банк акцияларини имтиёзли равишда сотиб олиш ҳуқуқини резидент акциядорлар томонидан норезидентлар фойдасига бериш учун белгиланган тартибда олдиндан Марказий банкнинг рухсатномасини олиши шарт;

- Чет эл банкларининг Банк акцияларини сотиб олишлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгиланган қўшимча талаблар бажарилгач амалга оширилади.

- Мазкур чиқарилиш доирасидаги акциялар бошқа банкларга жойлаштирилишига қўйилмайди.

Шунингдек, амалдаги конунчилик ва Банк Уставида кўрсатилган бошқа чекловлар

Қуйидаги шахслар Банк акциядорлари бўла олмайдилар:

- оффшор ҳудудларда рўйхатга олинган норезидент юридик шахслар;

- давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий бошқарув органлари, жамоат бирлашмалари, ижтимоий фондлар, нобюджет фондлар, бюджет муассасалари ва ташкилотлари, агар конунчиликда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса.

8. Банк устав капиталининг миқдори (сўм): 1 751 843 469 948 сўм.

9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади):

Чиқарилган акцияларнинг умумий сони: 92 202 287 892 дона.

Шундан:

- эгасининг номи ёзилган оддий акциялар – 91 832 287 892 дона.
- эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар – 370 000 000 дона.

10. Илгари жойлаштирилган облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади):

Банк облигацияларининг I-чиқарилуви 2010 йил 5 март куни P0844-сон билан Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш марказида давлат рўйхатиغا олинган.

А) Чиқарилишдаги облигациялар серияси ва шакли: Эгасининг номи ёзилган, ҳужжатсиз (нақдсиз) шаклдаги, оддий фоизли корпоратив облигациялар.

Б) Чиқарилишдаги облигациялар сони: 40 000 дона.

В) Чиқарилишдаги бир дона облигациянинг номинал қиймати: 100 000 сўм.

Г) Чиқарилишнинг умумий ҳажми (номинал қиймати бўйича): 4 000 000 000 сўм.

Ушбу чиқарилувга асосан чиқарилган корпоратив облигациялар сўндирилганлиги муносабати билан Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш марказининг 28.09.2016 йилдаги 15-07/043-сонли қарорига асосан бекор қилинган.

Банк облигацияларининг II-чиқарилуви 2010 йил 9 март куни P0844-2-сон билан Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш марказида рўйхатга олинган.

А) Чиқарилишдаги облигациялар серияси ва шакли: Эгасининг номи ёзилган, ҳужжатсиз (нақдсиз) шаклдаги, оддий фоизли корпоратив облигациялар.

Б) Чиқарилишдаги облигациялар сони: 60 000 дона.

В) Чиқарилишдаги бир дона облигациянинг номинал қиймати: 100 000 сўм.

Г) Чиқарилишнинг умумий ҳажми (номинал қиймати бўйича): 6 000 000 000 сўм.

Банк облигацияларининг III-чиқарилуви 2010 йил 29 декабрь куни P0844-3-сон билан Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш марказида рўйхатга олинган.

А) Чиқарилишдаги облигациялар серияси ва шакли: Ҳужжатсиз (нақдсиз) эгасининг номи ёзилган субординар қарз корпоратив облигациялар.

Б) Чиқарилишдаги облигациялар сони: 170 600 дона.

В) Чиқарилишдаги бир дона облигациянинг номинал қиймати: 100 000 сўм.

Г) Чиқарилишнинг умумий ҳажми (номинал қиймати бўйича): 17 060 000 000 сўм.

Банк облигацияларининг IV-чиқарилуви 2012 йил 10 август куни P0844-4-сон билан Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш марказида рўйхатга олинган.

А) Чиқарилишдаги облигациялар серияси ва шакли: Ҳужжатсиз (нақдсиз) шаклда, эгасининг номи ёзилган, оддий фоизли субординар қарз корпоратив облигациялар.

Б) Чиқарилишдаги облигациялар сони: 100 000 дона.

В) Чиқарилишдаги бир дона облигациянинг номинал қиймати: 100 000 сўм.

Г) Чиқарилишнинг умумий ҳажми (номинал қиймати бўйича): 10 000 000 000 сўм.

Банк облигацияларининг V-чиқарилуви 2014 йил 11 февраль куни P0844-5-сон билан Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш марказида рўйхатга олинган.

А) Чиқарилишдаги облигациялар серияси ва шакли: Ҳужжатсиз (нақдсиз) шаклда, эгасининг номи ёзилган, оддий фоизли субординар қарз корпоратив облигациялар.

Б) Чиқарилишдаги облигациялар сони: 10 000 дона.

В) Чиқарилишдаги бир дона облигациянинг номинал қиймати: 1 000 000 сўм.

Г) Чиқарилишнинг умумий ҳажми (номинал қиймати бўйича): 10 000 000 000 сўм.

11. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби.

11.1. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очик ёки ёпиқ обуна):

(Ёпиқ обуна бўлган тақдирда, шунингдек акцияларни потенциал олувчилар доираси ҳам кўрсатилади).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 13.11.2018 йилдаги ПҚ-4015-сонли “Паррандачиликни янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан ушбу чиқарилишдаги 23 684 210 527 дона акциялар Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига ёпиқ обуна орқали жойлаштирилади.

11.2. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати:

(Кўрсатилади: акцияларни жойлаштирилишини бошлаш санаси ва тугатиш санаси ёки акцияларни жойлаштирилиш муддатини белгилаш тартиби.

Агар акцияларни жойлаштирилиш муддати акцияларни чиқарилиши тўғрисидаги бирон-бир ахборотни ошкор қилиш санасини кўрсатган ҳолда белгиланса, шунингдек бундай ахборотни ошкор қилиш тартиби ҳам кўрсатилади.)

“Акцияларнинг қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарор” Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази томонидан давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 50 (эллик) кун давомида 23 684 210 527 дона акциялар Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига ёпиқ обуна орқали жойлаштирилади.

Акцияларни жойлаштирилиш бошлаш санаси – “Акцияларнинг қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарор” давлат рўйхатидан ўтказилган сана.

Акцияларни жойлаштирилиш тугатиш санаси – ушбу чиқарилишдаги сўнгги акцияни жойлаштириш санаси бўлиб ҳисобланади, лекин ушбу сана “Акцияларнинг қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарор” давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 50 (эллик) кундан ошмаслиги лозим.

11.3. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби:

(Кўрсатилади: акциялар жойлаштирилишининг боришида фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузилишининг тартиби ва шартлари, жойлаштирилиш амалга ошириладиган бозорлар.

Агар эмитент томонидан акцияларни жойлаштирилиш эмитентга акцияларни жойлаштирилиш бўйича хизматлар кўрсатувчи қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларини (андеррайтерлар) жалб қилиш билан амалга оширилса, ҳар бир бундай шахс юзасидан қўшимча равишда қуйидагилар кўрсатилади:

тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, жойлашган жойи;

профессионал фаолиятни амалга оширишга доир лицензиянинг рақами, берилган санаси ва амал қилиш муддати, кўрсатилган лицензияни берган орган;

ушбу шахснинг асосий вазифалари, агарда эмитент ва унга қимматли қоғозларни жойлаштирилиш бўйича хизматлар кўрсатувчи шахс ўртасидаги шартномада шу каби шартнома билан белгиланган муддатларда жойлаштирилмаган акцияларни охиргиси томонидан ўз ҳисобидан олиниши назарда тутилган бўлса, шунингдек ушбу муддат ва уни белгилаш тартиби.).

Ушбу чиқарилишдаги акцияларни жойлаштирилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 13.11.2018 йилдаги ПК-4015-сонли “Паррандачиликни янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида уюшмаган биржадан ташқари бозорда тўғридан-тўғри битимлар тузиш йўли билан амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тартибда амалга оширилади. Бунда, қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчилари (андеррайтерлар) жалб этилмайди.

11.4. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачисининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, телефони:

Марказий рўйхатга олувчи тўғрисидаги маълумотлар:

Тўлиқ фирма номи - “Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси” Давлат корхонаси.

Почта манзили: 100047, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 107-уй.

Телефон: (998 71) 267-37-42, (998 71) 267-35-92.

WEB: www.deponent.uz, E-mail: info@deponent.uz.

Банкка хизмат кўрсатувчи инвестиция воситачиси тўғрисидаги маълумотлар:

Тўлиқ фирма номи – “FREEDOM FINANCE” Маъсулияти чекланган жамият.

Почта манзили: 100084, Тошкент ш., А.Темур кўчаси, 107-Б.

Телефон: +99871 147-75-55. WEB: www.ffin.uz, E-mail: info@ffin.uz

Акция эгалари ушбу чиқарилишдаги акцияларга бўлган ҳуқуқларни ўз хоҳишига кўра бошқа инвестиция воситачилари ёки Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсида ҳисобга олиш ва сақлаш ҳуқуқига эга.

11.5. Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби:

(Жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ тақдим этилган тақдирда қуйидагилар кўрсатилади:

бундай имтиёзли ҳуқуққа эга шахсларнинг рўйхати тузилган сана (санани белгилаш тартиби);

жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш эҳтимоли тўғрисида билдириш тартиби;

жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби.).

Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ кўзда тутилмаган.

11.6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби:

(акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби кўрсатилади.

Агар акцияларни жойлаштиришда акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ тақдим этилса, қўшимча равишда бундай имтиёзли ҳуқуққа эга шахсларга баҳо ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби кўрсатилади.).

Ушбу чиқарилишдаги акциялар бозор баҳосида, лекин акцияларнинг номинал қийматидан кам бўлмаган қийматда жойлаштирилади.

11.7. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби:

(Акцияларни тўлаш шартлари, тартиби, шу жумладан ҳисоб-китобларнинг шакли, кредит ташкилотларининг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, уларнинг жойлашган жойи, акциялар тўланишига келиб тушадиган пул воситалари қўчирилиши лозим бўлган ҳисобварақларнинг банк реквизитлари, тўлов шохобчаларининг манзили (нақд пул шаклида тўланганда.).

Акциялар пул бўлмаган воситалар билан тўланган тақдирда акциялар тўланиши мумкин бўлган мол-мулк, тўлов шартлари бундай тўлов шароитида расмийлаштириладиган ҳужжатлар (мол-мулкни қабул қилиш-топишириш далолатномаси ва ҳоказо) билан, шунингдек бундай мол-мулкнинг бозор қийматини аниқлаш учун жалб қилинадиган баҳоловчи (баҳоловчилар) тўғрисидаги қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

баҳоловчининг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, жойлашган жойи;

баҳолаш фаолиятини амалга оширишга доир лицензиянинг рақами, берилган санаси ва лицензиянинг амал қилиш мuddати, кўрсатилган лицензияни берган орган.).

Ушбу чиқарилишдаги акциялар учун тўловлар миллий валютада нақдсиз пул маблағларини қўчириш орқали амалга оширилади.

11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни кайтариш тартиби:

Мазкур чиқарилишдаги акцияларнинг олтиш фонзидан кам қисми юқорида белгиланган муддатда жойлаштирилган тақдирда амалга ошмаган деб эътироф этилади. Мазкур чиқарилишдаги акциялар амалга ошмаган деб топилган тақдирда, ушбу чиқарилишдаги акциялар тўловига йўналтирилган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига ҳисоб рақамига 5 иш куни давомида кайтарилади.

12. Эмитент томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши (қўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиш тартиби:

Мазкур “Акцияларнинг қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарор” рўйхатга олингандан кейин Қарорнинг қонунчиликда белгилаб ўтилган бандлари ўрнатилган тартибда:

- Корпоратив ахборот ягона портали (www.openinfo.uz) веб-сайтига;
- “Тошкент” Республика фонд биржасининг (www.uzse.uz) веб сайтига;
- Банкнинг (www.uzpsb.uz) веб-сайтига жойлаштириш орқали ошкор қилинади.

“Акцияларнинг қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарор”нинг асл нусхаси (жумладан электрон нусхаси) билан қуйидаги манзилларда танишиш мумкин:

- Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Шаҳрисабз кўчаси 3 уйда;
- Банкнинг (www.uzpsb.uz) веб-сайти;
- Корпоратив ахборот ягона портали (www.openinfo.uz) веб-сайти;
- “Тошкент” Республика фонд биржасининг (www.uzse.uz) веб сайти.

13. Бошқа маълумотлар.

Эмитентнинг рўйхатга олинган рақами ва санаси - 1991 йил 25 июнь, 17-сон.

Лицензия рақами:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2017 йил 21 октябрда берилган Банк операцияларини амалга ошириш учун 17-рақамли лицензия.

Эмитентнинг асосий фаолият тури - Банк фаолияти.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидаги вакиллик ҳисобрақами:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Тошкент шаҳар ҳисоб-китоб касса марказида очилган вакиллик ҳисобварағи 10301 000 000 009 003 001 (МФО 09003) Тошкент шаҳри бўйича, МФО 00014

Банкнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли - акциядорлик тижорат банки.

Манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Шахрисабз кўчаси, 3-уй.

Тўлиқ почта манзили:

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, 100000, Юнусобод тумани, Шахрисабз кўчаси, 3-уй.

Статистика органларидан рўйхатдан ўтганлиги:

2009 йил 23 сентябрда Тошкент шаҳар Статистика бошқармаси томонидан Корхоналар ва ташкилотлар Ягона давлат регистрга киритилганлиги туғрисида 53400-рақамли гувоҳнома берилган.

Хос рақами (ОКПО) код 09729027

ИФУТ бўйича асосий фаолият тури код 64190

МШТ бўйича мулкчилик шакли код 144

ТХШ бўйича ташкилий ҳуқуқий шакли код 1150

Манзили бўйича МХОБТ тўлиқ хос рақами код 1726266

Солиқ органининг номи ва стир коди:

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани Давлат солиқ инспекцияси, СТИР 200 833 707.

Тикилган, рақамланган ва муҳрланган.

Жами 6 Ҳисоб қиёсига.

Бошқарув Раиси

[Signature]

А.Б.Валиев

Бош бухгалтер

[Signature]

О.Р.Вохидов

